


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИҒИ

**ШИФОКОР АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГНИНГ
МАЛАКА ТАВСИФНОМАСИ**

Тошкент-2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ШИФОКОР АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГНИНГ
МАЛАКА ТАВСИФНОМАСИ
(5A510101 – АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил
“08” 09 даги 236 -сонли буйруғининг 5 иловаси билан
тасдиқланган

ТУЗУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
SOĞ'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TIBBIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH
MARKAZI

МУНДАРИЖА

1.	Умумий қоидалар.....	5
1.1.	Ушбу малака тавсифномаси давлат меъерий ҳужжати бўлиб, куйидагилар асосида тузилган.....	5
1.2.	5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги бўйича малака тавсифномаси давлат меъерий ҳужжати бўлиб, куйидагиларни белгилайди.....	6
1.3.	Ушбу малака тавсифномаси мўлжалланган.....	7
1.4.	Шифокор акушер-гинеколог малака тавсифномаси ишлатилади	7
1.5.	Шифокор акушер-гинеколог касбий тайинланиши ва иш фаолиятининг шарт шароитлари.....	7
2.	Шифокор Акушер-гинекологга малака тавсифномаси.....	8
2.1.	Шифокор акушер-гинеколог билими.....	8
2.2.	Шифокор акушер-гинеколог кўникмаси.....	9
2.3.	Асосий назарий билимлар.....	9
	Шифокор акушер-гинекологни билиши керак.....	9
2.3.1.	Умумий билимлар.....	9
2.3.2.	Умумий кўникмалар.....	10
2.3.3.	Махсус билимлар.....	10
2.3.4.	Махсус кўникмалар.....	11
3.	Аҳоли саломатлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда (профилактикасида) шифокор акушер-гинекологнинг ўрни.....	13
3.1.	Шифокор акушер-гинекологнинг мажбуриятлари.....	13
4.	Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳажми.....	14
4.1.	Кўрсатиладиган (<i>тиббий ёрдам тури</i>) даражасига кўра шифокор акушер-гинеколог томонидан бажариладиган фаолият.....	14
4.2.	Даволаш, профилактика, диагностика ва ҳ.к. тадбирларнинг ўтказилишида кўзда тутилган касалликлар рўйхати.....	14
5.	Шифокор акушер-гинеколог эга бўлиши шарт амалий кўникмалар.....	19
6.	Шифокор акушер-гинекологнинг муносабатларига кўйилган талаблар.....	21
7.	Узлуксиз касбий таълим ва шифокор акушер-гинекологнинг аттестацияси.....	21



1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Республикада ва замонавий глобал жамиятда оналик ва болаликни аҳамияти бекиёсдир. Туғилиш суръатлари, она ва бола касалликлари кўрсаткичлари ҳар қандай мамлакатнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва цивилизацияси бош кўрсаткичи ҳисобланади. Бехатар оналик ва болаликни такомиллаштириш кўп жиҳатдан акушер-гинеколог касб эгаларини ролини ва аҳамиятини оширишдан, дунёнинг етакчи давлатларининг илғор тажрибаларидан ҳамда илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда акушерлик ва гинекология соҳасини узлуксиз таълим орқали яхшилашдан иборат.

“Акушерлик ва гинекология” мутахассислари ҳозирги бозор ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда тиббиётда илмий тадқиқотларни ўтказиш, маълумотларни йиғиш, уларни таҳлил қилиш ҳамда илмий асосланган тадбирларни ўтказиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Шу билан бирга ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги давридаги физиологик ва патологик ҳолатларини ташҳислаш, консерватив ва жаррохлик йули билан даволаш, асоратланган ҳомиладорлик ва туғруқда тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ва аёлларда репродуктив тизим аъзолари, гинекологик касалликларни ва нейроэндокрин синдромларни ташҳислаш, консерватив ва жаррохлик йули билан даволаш, асоратланган гинекологик касалликларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини тўлиқ эгаллаган, юқори малакали акушер гинеколог мутахассиси сифатида мустақил амалий фаолият кўрсатишни билимга эга бўлиш. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш бўйича қабул қилинган давлат ва ҳукумат қарорларини билиш ва уларни амалиётда қўллаш. Менежмент функцияларини чуқур ўзлаштириш. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш тажрибаларини ривожлантириш. Аҳолига юқори малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича билимларини ривожлантириш.


Ушбу акушер-гинеколог шифокори малакавий тавсифномаси замонавий талбаларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрланишида асосий ҳужжат ҳисобланади.

1.1. Ушбу малака тавсифномаси давлат меъёрий ҳужжати булиб, қуйидагилар асосида тузилган:

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2017 йилдаги ПҚ-2956-сонли “Тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва



тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26.02.2018-йил 125-сонли “Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини бошқариш ва ташкил этиш бўйича давлат талаблари” буйруғи;

2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари. тўғрисидаги” ПҚ-4063 – сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш хақида”ги 125-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги “Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта махсус касб хунар таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меъерий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 209-сонли буйруғи.

1.2. Шифокор акушер-гинекологни малака тавсифномаси давлат меъерий ҳужжати бўлиб, қуйидагилар асосида тузулган:


– мутахассислик бўйича тайинланиши ва шифокор фаолиятининг асосий шартлари;

– шифокор акушер-гинеколог томонидан бажарилиши керак бўлган касбий, ижтимоий вазифалар, амалий кўникмалар ва кўникмалар тизими кўринишидаги малака талаблари;

– шифокор акушер-гинеколог сертификатига қўйиладиган талаблар;

– шифокор акушер-гинеколог олий тиббий таълим муассасаларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини бирлаштириш, бу Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида шифокор акушер-гинекологнинг фаолияти ва фаолияти сифати учун жавобгарликни кучайтиради;

– “қайта ахборот” механизмининг амалга ошириш бўйича шифокор акушер-гинекологнинг амалий фаолиятини баҳолаш мезонлари.



1.3. Ушбу малака тавсифномаси мўлжалланган

- Ушбу малака тавсифномаси қўйидагилар учун мўлжалланган
- тиббий олийгохлар ва уларнинг филиаллари;
- соғлиқни сақлашни бошқармалари;
- ушбу мутахассис меҳнатидан фойдаланувчи вазирликлар, бошқармалар, муассасалар ва ташкилотлар;
- соғлиқни сақлаш маҳаллий бошқармалари;
- тиббий-профилактика муассасалари (кўп тармоқли марказий поликлиника, акушер-гинекологик комплекслар, тиббий-профилактика муассасаларининг акушерлик ва гинекологик бўлимлари, тиббий марказларининг гинекологик бўлимлари, Республика перинатал маркази ва филиаллари, шаҳар перинатал марказлари, тиббий муассасалар);
- Республика Илмий-иختисослашган марказлари

1.4. Шифокор акушер-гинеколог малака тавсифномаси ишлатилади:

- ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртидан кейинги таълим ва иختисослаштиришда, ушбу йўналиш бўйича мутахассисларга бўлган этиёжни башорат қилишда;

- касбий фаолиятни танлаш, жойлаштириш, қайта тайёрлаш, малака оширишни такомиллаштиришда;

– 5A510101–Акушерлик ва гинекология йўналиши бўйича магистларни якуний аттестациядан ўтказиш учун Давлат имтихон комиссиясининг мақсад ва вазифаларини аниқлашда;

– олий таълим муассасаларида ва дипломдан кейинги тиббий таълим муассасаларида тегишли фанлар бўйича ўқув режалари, ўқув дастурлари ва ишчи дастурларни ишлаб чиқишда;

– шифокор акушер-гинекологнинг касбий фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиб боришда.

1.5. Шифокор акушер-гинекологнинг касбий тайинланиши ва иш фаолиятининг шарт шароитлари:

- акушер-гинеколог тор доирадаги малакали мутахассис ҳисобланади ва хомиладорлар патологияларини ва гинекологик касалликларини ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини олиб бориш учун етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

- акушер-гинеколог хомиладорлар ва аёллар соғлиқни сақлаш соҳасида ўз профессионал фаолиятини Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг тиббий-профилактика муассасаларининг тегишли йўналиш бўғинларида олиб боради:

– кўп тармоқли марказий поликлиникаларда, касалхоналарда, тиббий марказларда ва тиббий-профилактика муассасаларининг акушерлик ва гинекология бўлимларида;

– олий тиббий маълумотга эга бўлган мутахассислар фаолият юритиши лозим бўлган соғлиқни сақлаш тизимининг ташкилот ва муассасаларида акушер-гинеколог лавозимида;

- олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, тегишли номланишда кўзда тутилган олий тиббий маълумотга эга мутахассислар эгаллаши мумкин лавозимларда ишлайдилар.

2. Шифокор акушер-гинекологни малака тавсифномаси

2.1. Акушер-гинеколог билими:

– соғлиқни сақлаш соҳасида Давлат сиёсати ва унинг амалга оширилишида барча бошқарув органларининг масъулияти;

– ЎзР тиббиёт соҳасининг ривожланиш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, асосий йўналишлари);

– соғлиқни сақлаш тизими ва уларда олиб борилаётган ислохотлар;

– соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг асосий сиёсий тамойиллари, стандартлари, истиқболлари;

– тиббиётнинг замонавий муаммолари ва ривожланишининг магистрал йўналишлари, хомиладорлар патологиясини ва гинекологик касалликларини диагностикаси ва даволаш янги технологиялари;

– хомиладорлик физиологик ва патологик ҳолатларининг, гинекологик касалликларнинг эпидемиологик маълумотлари, этиологик ва хавф омиллари, патогенезининг замонавий назариялари, таснифи, диагностикаси, шу жумладан эрта диагностиканинг замонавий усуллари, кечишининг клиник вариантлари, турли босқичларда даволаш схемалари, даволашнинг ҳар хил босқичларида дифференцияланган комплекс терапия, асоратларини даволаш, бирламчи ва иккиламчи профилактикаси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш органларининг терапевтик хизматида тегишли буйруқ ва норматив ҳужжатлари;

– гинекологик касалликларининг эпидемиологияси, этиологик ва таҳдид омиллари, патогенезининг замонавий теорияси, таснифи,


– акушерлик ва гинекология соҳасида даволаш жараёнида компьютер технологияларининг ўрни, асосий элементлари, Интернет воситалари, ахборотлар қидириш, маълумотларни сақлаш ҳақида;

– операцион тизимлар, электрон почта, конференциялар ва тақдимотларни ташкиллаштириш;

– врачлик амалиётида «команда» бўлиб ишлаш тамойиллари;

– гинекологик касалликларининг ва хомиладорлар патологияларининг замонавий лаборатор-инструментал ва функционал текшириш усуллари;

– соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш ва профилактика ташкилотларида ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларида кенг фойдаланган ҳолда хомиладорлар ва аёлларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш;



- акушерлик ва гинекология соҳасидаги тиббий-ижтимоий вазифаларни бажариш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларида акушерлик ва гинекология соҳасида комплекс масалаларни ечишни ўз ичига олади.

2.2. Шифокор акушер-гинеколог кўникмаси:

– гинекологик беморларни ва хомиладорлани юқори малакали сўраб-суриштириш, аёлларга зарур даволаш-диагностик тадбирлар ҳажми ва тўпламини аниқлаш;

– гинекологик беморларга ва хомиладорларга даволаш ва диагностик муолажаларни мустақил амалга ошириш, қўшимча текшириш (лаборатор, морфологик, функционал, эндоскопик, рентген-радиологик, иммунологик, микробиологик) натижаларининг интерпретацияси, гинекологик касалликлари ва уларнинг асоратларини маслаҳат берувчи поликлиника, акушерлик ва гинекологик йўналишдаги стационар, реанимация ва интенсив терапия бўлимларида комплекс индивидуаллаштирилган даволашни мустақил амалга ошириш;

– гинекологик касалликлар ва хомиладор патологиясини клиникасида айрим реанимацион тадбирлар ва шошилиш ҳолатларда ёрдамни амалга ошириш;

– гинекологик касалликларда ва хомиладорлиги патологик кечган аёлларга реабилитацион тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш, тиббий ҳужжатларни юритиш;

– кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида клиник аудит ўтказиш.

2.3. Асосий назарий билимлар

Шифокор акушер-гинеколог билиши керак:

2.3.1. Умумий билимлар

• Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунлар ҳамда соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари фаолиятини белгилайдиган директив ҳужжатлар мажмуи;


• Мамлакатда акушер-гинекологик ёрдамни, даволаш-профилактик муассасалар ишини ташкил этиш, аҳолига шошилиш ва тез тиббий ёрдамни ташкил этишнинг умумий масалалари;

• Нормал ва патологик анатомия, нормал ва патологик физиология, ҳамда аёл организмнинг функционал тизимларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларни бошқарув даражасининг умумий масалалари;

• Сув-электролит алмашинуви, кислота-ишқор мувозанати: уларнинг бузилиш турлари ва даволаш принципларининг асослари;

• Фетоплацентар тизимининг физиологияси ва патофизиологияси, антенатал парваришнинг асослари, хомиладорликнинг меёрий ва патологияда кўрсаткичлари;

• Аёлларда асосий гинекологик касалликларнинг клиник симптоматикаси ва патогенези, уларнинг профилактикаси, диагностика ва давоси.



- Хомиладорлик патологиялар ва гинекологик касалликлар клиникасида терапиянинг асослари, келтириб чиқарган асоратлар ва уларни бартараф қилиш усуллари;

- Гинекологик касалликларни номедикаментоз даволаш, физиотерапия, жисмоний-тарбия ва шифокор назорати асослари, санатор-курорт давога кўрсатма ва қарши кўрсатмалар;

- Хомиладор аёлларни рационал овқатланиш асослари, гинекологик беморларнинг диетотерапия тамойиллари;

- Соғлом аёлларда ва хомиладорларда диспансер назорати, профилактика муаммолари;

2.3.2. Умумий кўникмалар

- Хомиладорликда патологик жаренни ва гинекологик касаллик ҳақида маълумот олиш, беморни текширишда объектив усулларни қўллаш, касалликнинг умумий ва ўзига хос белгиларини аниқлаш;

- Бемор аҳволининг оғирлик даражасини аниқлаш, беморни ушбу ҳолатдан чиқариш учун зарур чораларни қўллаш, реанимацион чораларнинг ҳажми ва кетма-кетлигини аниқлаш, керакли шошилинич ёрдамни кўрсатиш;

- Текширувнинг махсус усулларини аниқлаш (лаборатор, рентген, ва функционал);

- Госпитализацияга кўрсатмани аниқлаш ва уни ташкиллаштириш;

- Дифференциал ташхис ўтказиш, клиник ташхисни, беморни даволаш режаси ва тактикасини асослаш;

- Ултратовуш текшириш, доплерометрия, эндоскопик, рентгенологик текширув маълумотларини баҳолаш ва уларга хулоса бериш;

- Керакли дори воситаларини ва бошқа зарурий чора-тадбирларни белгилаш;

- Хомиладорларни декрет таътилига чиқишни ва гинекологик беморнинг меҳнатга лайоқатсизлиги (вақтинчалик ёки доимий) ни аниқлаш, бошқа ишга ўтказишга кўрсатма бериш;

- Юқумли касаллик аниқланганда эпидемияга қарши зарур чораларни ўтказиш;

- Соғлом хомиладорларда ва ҳамма ёшдаги аёлларда ва беморларда диспансер назоратини ўтказиш, натижаларни таҳлил қилишни билиш;

- Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунларда кўзда тутилган тиббий ҳужжатларни расмийлаштириш.

2.3.3. Махсус билимлар:

- Республикада акушер-гинекологик ёрдамни ташкил қилишнинг умумий масалалари, тиббиёт муассасаларининг фаолияти, тез-тиббий ёрдам ишини ташкил қилиш;

- асосий хомиладорлик патологияларининг ва гинекологик касалликларнинг клиник симптоматикаси, уларнинг профилактикаси, ташхислаш ва даволаш принциплари;



- текшириш стандартлар асосида зарурий лаборатор ва инструментал текшириш усулларини тайинлаш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш;
- қиёсий ташхис ўтказиш, клиник ташхисни асослаш, даволаш стандартлари асосида адекват даво тайинлаш;
- соғлом аёлларни ва бемоларни диспансер кўрикдан ўтказиш;
- соғлиқни сақлаш тизими томонидан қабул қитлинган тиббий хужжатларни юритиш;
- юқумли касалликлар аниқланганда эпидемияга қарши зарурий тадбирларни ўтказиш.

2.3.4. Махсус кўникмалар

Акушерлик буйича:

- умумий ва акушерлик куриги
- Леопольд –Левицкий ташки акушерлик куриги
- хомила аускультацияси
- хомилани тахминий вазнини аниклаш
- бачадон буйни етилганлик даражасини аниклаш
- партограмма тулдириш
- амниотомия
- тугрукни 3 даврни актив олиб бориш
- янги тугилган чакалоқлар киндигини кесиш ва ишлов бериш
- Апгар шкаласи буйича янги тугилган чакалоқларни баҳолаш
- йулдош бутунлигини аниклаш
- йукотилган кон хажмини аниклаш
- йулдошни кул билан ажратиш
- бачадон бушлигини кул билан текшириш
- корин аортасини босиш
- бачадонни бимануал босиш
- БИВни куйиш
- юмшок тугрук йулларини куриги
- бачадон буйни йиртилишини тикиш
- кин ва оралик йиртилишларини тикиш
- эпизиотомия ва –рафия
- чанок билан келишда тугдириш усули
- чанок билан келган хомилани тугдириб олиш
- гемотрансфузия коидалари
- лапаротомия
- пастки бачадон сегмантида кесарча кесиш
- m. Stark (1994 буйича кесарча кесиш)
- классик кесарча кесиш
- акушерлик кискичлари
- хомилани вакуум-экстракцияси
- краниотомия
- хомилани чанок билан келганда кейин келаятган бошча краниотомияси


– хомиладорлик ва тугрук муддатини аниқлаш;
– физиологик ва патологик тугрукни ўтказиш ва асоратларни олдини олиш;

– хомиладор аёлни ултратовуш, доплерометрия натижаларини интерпретация қилиш;

– ҳаётга хавф солувчи қуйидаги ҳолатларни ташхислаш ва уларда дастлабки тез тиббиёт ёрдамни ўтказиш (геморрагик шок, тарқалган томир ичи қон ивиш (ТТИҚИ) синдроми, HELLP-синдром, хомиладорлар жигар ёғли гепатозини огир преэклампсия, эклампсия, септик шок, инфекцион-токсик шок, ўткир қорин синдроми, коматоз ҳолатлар, ўткир буйрак етишмовчилиги, буйрак коликаси, ўткир жигар етишмовчилиги, ўткир томир етишмовчилиги, ўткир нафас етишмовчилиги, ўпка артерияси тромбоемболияси, анафилактик шок).

Гинекология буйича:

- аёлларни умумий ва гинекологик куриги
- кин кузгу ердамида гинекологик куриги
- бимануал курик
- кукрак беги пайпаслаш
- функционал ташхислаш тести
- оддий ва кенгайтирилган колпоскопия
- лапароскопия
- парацервикал анестезия
- гистероскопия
- кул вакуум аспирацияси.
- орка гумбаз оркали кичик чанок пункцияси
- бачадон буйни полипини олиб ташлаш
- бартоллий безини абсцессини очиш
- гематокольпоксни очиш
- диагностик кириш
- хомила уз узидан тушганда бачадон бушлигини кириш
- артифициал абортда бачадон бушлигини кириш
- БИВ ни қуйиш ва олиш
- аёлларни стерилизация амалиети
- бачадондан ташкари хомиладорликда сальпингэктомия
- сальпингостомия
- тухумдонлар резекцияси
- цистэктомия
- аднексэктомия
- олдинги ва орка кольпоперинеолеваторопластика
- вентрофиксация
- бачадон ампутацияси
- бачадонни ортиклари билан экстирпацияси
- кин оркали бачадон экстирпацияси
- ултратовуш, доплерометрия натижаларини интерпретация қилиш;



- ҳаётга хавф солувчи куйидаги ҳолатларни ташхислаш ва уларда дастлабки тез тиббиёт ёрдамни ўтказиш (геморрагик шок, тарқалган томир ичи қон ивиш (ТТИҚИ) синдроми, септик шок, инфекцион-токсик шок, ўткир қорин синдроми, ўткир томир етишмовчилиги, ўткир нафас етишмовчилиги, ўпка артерияси тромбоемболияси, анафилактик шок).

3. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда (профилактикасида) шифокор акушер-гинекологни ўрни

Шифокор акушер-гинеколог фаолиятининг асосий йўналиши аҳоли соғлигини сақлаш, ҳомиладорлик патологик ҳолатларини, гинекологик касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш ҳисобланади. Бунинг учун шифокор акушер-гинеколог томонидан куйидаги ишлар олиб борилади:

- Аҳолининг тиббий онгини ошириш;
- Соғлом турмуш тарзи тарғиботи;
 - Гинекологик касалликлар олдини олиш чора тадбирларини ўтказиш;
 - Ҳомиладорларда патронаж утказиш;
 - Гинекологик касалликларни эрта аниқлаш мақсадида аҳолини профилактик кўрикдан ўтказиш;
 - Гинекологик касалликларга чалинган аёлларнинг диспансер кузатувини олиб бориш;
 - Аҳоли соғлиги ҳолатини таҳлил қилиш.

3.1. Шифокор акушер-гинекологнинг мажбуриятлари

Касаллик тўғрисида ахборот йиғиш. Беморни текшириш учун объектив услубларни қўллаш. Касалликнинг умумий ва махсус белгиларини аниқлаш. Тиббий ёрдамни ташкил этиш стандартлари асосида касалликни ташхислаш ва беморнинг умумий ҳолатини баҳолаш чора-тадбирларини олиб бориш. Госпитализация учун кўрсатмани аниқлаш ва уни ташкиллаштириш. Дифференциал ташхис ўтказиш.

Клиник ташхисни асослаш, беморни олиб бориш тактикси ва режасини асослаш.

Даволаш стандартлари асосида касалликни даволаш учун зарурий чора-тадбирларни бажариш. Касалликларни ривожланишни хавф омилларини аниқлаш. Юқори хавфи булган аёлларда бирламчи профилактикани олиб бориш.

Юқумли касаллик аниқланганда эпидемияга қарши зарурий тадбирларни ўтказиш. Соғлом аҳоли ва беморларни диспансер кўрикдан ўтказиш.



4. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳажми

4.1. Кўрсатиладиган (тиббий ёрдам тури) даражасига кўра шифокор акушер-гинеколог томонидан бажариладиган фаолият:

Соғлиқни сақлашнинг барча тизимида хомиладорлар ва аёллар ўртасида кенг тарқалган патологиялар ва касалликлар профилактикаси, эрта ташхиси, дастлабки тиббий ёрдам, рационал даволаш, реабилитация ва диспансер кузатув.

- Аҳолининг тиббий маълумотини билимини ошириш;
- Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш (жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, рационал овқатланиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ва ҳ.к.);
- Чекиш, наркомания ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш сингари хавф омиллари қарши курашиш;
- Аёллар ўртасида профилактик тадбирлар ўтказиш;
- Ҳомиладорликга ва туғруққа қарши кўрсатмаларни аниқлаш, туғруқдан кейинги даврда аёлларни реабилитация қилиш.
- Сурункали гинекологик касалликлари бор аёлларни диспансер кузатувга олиш;
- Онкологик касалликларни эрта ташхислаш, уларнинг профилактикасини ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.
- Дори воситалари ҳамда альтернатив даво усулларининг рационал ишлатилишини назорат қилиш.
- Беморларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлигини аниқлаш, санатор давога кўрсатмани аниқлаш.

Аёлларга, уларнинг аҳволи ва ёшини ҳисобга олган ҳолда тиббий-психологик ёрдамни ташкиллаштириш

4.2. Даволаш, профилактика, диагностика ва ҳ.к. тадбирларнинг ўтказилишида кўзда тутилган касалликлар рўйхати:

Шифокор акушер-гинеколог куйидаги хомиладорлик патологияларда ва гинекологик касалликларда ташхис қўйиши ва зарур даво муолажаларни ўтказишни билиши лозим:

Акушерлик бўйича:

- акушерлик ва перинаталогия замонавий функционал диагностика усуллари;

- физиологик хомиладорликдаги ўзгаришлар ва фетоплацентар тизим тузилиши, ривожланиш босқичлари; онтогенезнинг қалтис даврлари;

- хомиладорлик ва туғруқ вақтидаги асоратлар ривожланиши омилларини;

- хомиланинг юрак фаолиятини баҳолаш усулларини; хомила ўсиши мониторинги, ўсишдан орқада қолиш синдромини, хомила нуқсонларини скринингини, хомила ҳолати ва акушерлик хавфни баҳолашни;

- гормонал ва иммунологик текширувларни, кольпоцитологияни, эндоскопик текширув усулларини;

-туғруқнинг бошланишини ташхислаш, унинг клиник кечишини, хомила боши билан келганда туғруқ биомеханизмини;

-туғруқдан кейинги давр физиологияси, клиник кечишини;

-хомила гипоксияси ва дистресси, чақалоқ асфиксияси, диагностика усуллари ва даволаш принциплари, чақалоқ реанимацияси тамойилларини;

-хомила ва чақалоқларда Rh-антиген ва АВ0 тизим буйича гемолитик касаллигини;

-хомиладорлар қусиши, этиологияси ва патогенезини, кўп ва кам учрайдиган токсикозлар клиникасини, даволашни, хомиладорлар қусишининг комплекс терапиясини;

-хомиладорлардаги гипертензив бузилишларни замонавий ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини, магнезиал ва антигипертензив даво, хомиладорлик ва туғруқни олиб бориш;

- хомиладорлардаги гипертензив бузилишларни асоратларини (тарқалган томир ичи қон ивиш (ТТИҚИ) синдроми, HELLP-синдром, хомиладорлар жигар ёғли гепатозини) ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини, реабилитациясини;

-юрак, қон-томир касалликларда хомиладорликнинг кечиши: орттирилган ва туғма юрак нуқсони, гипертония касаллиги, артериал гипотензия, варикоз касаллиги; хомиладорликни олиб бориш ва кузатиш тамойиллари, муддатидан олдин хомиладорликни тўхтатишга кўрсатма, туғдиришда ақушерлик тактикасини танлашни;

-жигар (турли этиологияли гепатитлар, цирроз, холестаза) ва буйрак (сийдик йуллари инфекцияси, ўткир асоратланган ва асоратланмаган пиелонефрит, гломерулонефрит, сийдик тош касаллиги) касалликларида хомиладорликни кечиши ва туғруқни олиб боришни;

-қон касалликларида (камқонликлар, лейкозлар, Верлгоф, Виллебранд касалликлари) хомиладорликни кечиши ва туғруқни олиб боришни;

-қандли диабет, қалқонсимон без касалликларида ва семизликда хомиладорликнинг кечиши ва туғруқни олиб боришни;

-хомиладорликда нафас олиш кийинлашишида (бронхиал астма, ўткир респиратор инфекция, пневмония) хомиладорликнинг кечиши, муддатидан олдин хомиладорликни тўхтатишга кўрсатма ва туғруқни олиб боришни;

-хомиладорлик ва ўткир қоринни (аппендецит, ўт-тош касаллиги; ўткир ичак тутилиши; миома тугунини некрози, тухумдон кистаси оёқчасининг буралиши, перитонит);

-ҳомилани кўтара олмаслик турлари (одатий ҳомилани кўтара олмаслиги, ривожланмаган хомиладорлик, муддатдан олдинги туғруқ, қоғоноқ пардаларини муддатдан олдин йиртилиши, истмико-цервикал етишмовчилик) этиопатогенезини, клиникаси ва уларни даволаш усулларини, муддатига етмаган хомиладорликда кесар кесишни;

-онадан хомилага ОИТВ инфекция трансмиссиясини, антиретровирусли терапияни, туғдириш усулларини, онадан хомилага ўтувчи ОИТВ инфекциялар профилактикасини, тиббий ходимларга ОИТВ инфекция ўтишининг олдини олиш чора-тадбирларини;

- акушерликда қон кетиш сабабларини, нормал жойлашган йўлдошнинг барвақт кўчиши (НЖЙБК) ва йўлдошнинг олдинда келишининг клиникаси, ташхислаш, акушерлик тактикаси ва профилактикасини;

- йўлдошнинг бирикиш нуқсонларини (йўлдошнинг қаттиқ бирикиши ва ўсиб киришининг) клиникаси, ташхислаш ва акушерлик тактикасини,

- йўлдош қисмлари ушланиб қолиши ёки ажралган йўлдошнинг қисилиб қолишининг клиникаси, ташхислаш ва даволаш тактикаси;

- гипо- ва атоник қон кетишининг клиникаси, ташхислаш ва даволаш;

- ташқи жинсий аъзолар, оралик, қин ва бачадон бўйни жароҳатининг сабаблари, ташхислаш ва даволашни, бачадон ёрилишининг сабаблари, ташхислаш, қиёсий ташхислаш, жарроҳлик усули билан даволаш ва профилактикаси;

- бачадон ташқарига чиқиши сабаблари, даволаш;

- симфиз очилиши ва ёрилиши клиникаси, ташхислаш ва даволаш;

- акушерлик оқмалари: этиопатогенез, ташхислаш ва даволаш, профилактика;

- геморрагик шокнинг этиопатогенези, босқичлари, ташхислашни, даволаш;

- тарқалган томир ичи қон ивиш (ТТИҚИ) синдром ривожланиш сабаблари ва механизмини, ўткир ТТИҚИ-синдром кечиши таснифи, клиникаси, ташхислаш, даволашни, ТТИҚИ-синдром сурункали турларини ташхислаш ва даволаш;

- туғруқда кўп қон йўқотган аёлларда тромбопатияни олдиндан баҳолаш;

- муддатдан ўтган ҳомиладорликни сабаблари, ташхислаш ва даволаш;

- индуцирланган туғруққа она ва ҳомила томонидан кўрсатмалар, туғруқни қўзғатиш муддати ва усулини; индуцирланган туғруқни олиб бориш тактикасини, огриксизлантириш усулини, антенатал ҳомила ўлимида индуцирланган туғруқни олиб бориш тактикаси;

- замонавий акушерликда тор чанок, туғруқдаги ҳомила боши ва она чаноғини диспропорцияни ташхислашни, туғруқни олиб боришни, асоратлар;


- прелиминар давр, ташхислаш усуллари, прелиминар даврда ҳомиладорни олиб бориш тактикаси;

- туғруқ фаолияти нуқсони таснифи, унинг сабаблари, клиникаси ва ҳар хил турдаги туғруқ нуқсонларида туғруқни олиб бориш тактикасини, туғруқни бошқаришда қўлланиладиган воситаларнинг фармокодинамикаси ва фармококинетикаси;

- кўп ҳомилаликда, ҳомиланинг кўндаланг ва қийшиқ жойлашишида, ҳомиладорликнинг кечиши ва туғруқ;

- кўпсувлилик ва камсувлиликда, бачадон чандиғида, йирик ҳомилада, киндик тизимчасининг тушишида, жинсий аъзолар патологик ўзгаришида, елкалар дистоциясида, ҳомила антенатал ўлимида ва бошқа асоратли омилларда ҳомиладорликнинг кечиши ва туғруқни олиб бориш;

- коғонок сувлари билан эмболияси ва ўпка артерияси тромбоэмболияси сабаблари, клиникаси, ташхислаш ва даволаш;



- акушерлик қисқичлари, вакуум-экстракция, ҳомилани чаногидан экстракция қилиш жарроҳлигига кўрсатмани, жарроҳликдан кейинги даврини олиб бориш;

- кесар кесиш жарроҳлигига кўрсатма, операциядан кейинги даврни олиб бориш, асоратлар;

- туғруқдан кейинги септик касалликлар локал шаклларининг этиопатогенези, клиник турлари, ташхислаш ва даволаш, мастит ва унинг профилактикасини, туғруқдан кейинги септик касалликларнинг генераллашган шакллари, кесар кесишдан кейинги акушерлик перитонити, сепсис ва токсик шокнинг этиопатогенези, клиник кечиши, ташхис, даволаш, профилактикаси.

Гинекология бўйича:

- аёллар репродуктив тизимининг тузилиши, ривожланиш давлари, фаолияти ва унинг бошқарилиши;

- гинекологик касалликлар симптоматологиясини, биохимик, гормонал, бактериологик, медико – генетик, радиоиммун, клиник ташхислаш усулларини;

- гинекологик касалликларни инструментал ташхислаш усуллари: пункция, биопсия, баъзи эндоскопик текширувларни;

- гинекологик касалликларни нур ташхислаш усуллари (КТ, МРТ, краниография, гистеросальпингография)ни;

- гинекологик касалликларни ультратовуш ташхислаш усуллари, трансабдоминал ва трансвагинал эхографиясини;

- аёллар репродуктив тизими бузилишини функционал ташхислаш усулларини, асосий таснифи, сабабларини;

- жинсий дифференциялланиш бузилмаган ҳолда жинсий ривожланиш нуқсони, клиникаси, ташхислаш ва даволаш (вақтидан олдин жинсий етилиш, жинсий етилишдан орқада қолиш)ни;

- жинсий дифференциялланиш бузилганда жинсий ривожланиш нуқсони, клиникаси, ташхислаш ва даволаш (туғма адреногенитал синдром (ТАС), вирил синдром, гонада дисгенезияси (ГД), қин ва бачадон ривожланиш нуқсонлари)ни;

- буйрак усти гиперандрогенимияси патогенез, клиника, қиёсий ташхислаш ва андрогенитал синдромнинг постпубертат шакли, даволашни;

- бирламчи ва иккиламчи аменорея таснифи, клиник шакллари, ташхислаш ва даволашни;

- тухумдонлар резистентлиги синдроми ва тухумдонлар бўшаб қолганлик синдроми, патогенез, клиника, ташхислаш ва даволашни;

- бирламчи тухумдонлар поликистози патогенези (Штейн–Левенталь синдроми) клиникаси, ташхис, даво ва профилактикасини, иккиламчи тухумдонлар поликистози клиникаси, ташхис, даво ва профилактикасини;

- бачадондан қон кетиш сабаблари, уларнинг таснифини (бачадондан аномал қон кетиш ва бачадондан органик қон кетиш), пубертат ёшдаги,

репродуктив ёшдаги ва пременопаузал ёшдаги бачадондан аномал кон кетишининг (БАҚК) этиопатогенези, клиника, ташхис, профилактика ва оқибатини, БАҚКни даволаш тамойилларини, бачадондан органик кон кетиши сабаблари, ташхислаш, қиёсий ташхислаш, даволашни;

-менструация олди синдроми: учраш сони, патогенез, клиник шакллари, ташхислаш, даволаш, оқибатини;

-посткастрацион синдроми: учраш сони, патогенез, клиник шакллари, ташхислаш, даволаш, оқибатини;

-климактерик синдроми, симптоматика, патогенез, даволаш, нофармокологик давоси, ногормонал воситалар билан даволаш ва гормонал терапия, шунингдек эстроген-дефицит метаболик бузилишни даволаш (урогенитал синдром, атрофик кольпит ва остеопороз) ва профилактикасини;

-жинсий аъзолар пастки бўлимнинг яллиғланиш касалликлари клиник шакллари, симптоматикаси, ташхислаш ва даволашни, жинсий аъзоларнинг хламидиоз, уреоплазмоз ва вирусли касалликларини, кичик чанок аъзолари носпецифик яллиғланиш касалликлари, инфекция тарқалиш йўллари, таснифи, клиника, ташхислашни, специфик яллиғланиш касалликлари (гонорея, сил, ОИТС) клиникаси, ташхисини, ички жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларини даволашнинг умумий тамойилларини, TORCH-инфекцияси ва уларнинг ҳомиладорлик даврида олиб келадиган асоратлари ва даволаш тамойилларини;

-абортлар таснифи, этиопатогенези, олиб бориш, асоратларини, медикаментоз абортни олиб бориш, асоратларини;

-трофобластик касаллик таснифи, клиникаси, ташхислаш ва даволаш усулларини;

-ривожланмаган ҳомиладорлик клиникаси, ташхислаш ва даволаш усулларини;

-эктопик ҳомиладорликни, найдаги ҳомиладорлик таснифи, этиопатогенези, клиник шакллари, бузилган найдаги ҳомиладорликни клиник кечиш хусусияти, симптоматикаси, қиёсий ташхислаш, жарроқлик ва жарроқсиз даволаш усулларини, ectopik ҳомиладорликнинг кам учрайдиган турлари, шунингдек бачадон бўйнидаги ҳомиладорликни, ectopik ҳомиладорлик прогнози ва кечки асоратларини;

-ташқи жинсий аъзоларнинг асосий фон ва раколди касалликлари (крауроз, вульва лейкоплакияси) ташхислаш ва даволашни, бачадон бўйни фон ва раколди касалликлари, клиникаси, ташхис ва даволашни;

-эндометрий раколди касалликлари (атипик безли гиперплазия, нейроэндокрин синдром фонида безли гиперплазия қайталаниши)ни, эндометрий раколди касалликларининг клиникаси, ташхислаш, гормонал ва жарроқлик усулли билан даволашни;

-эндометриоз таснифи, этиологиясини, эндометриознинг ҳар хил шаклларининг клиник кечиши, замонавий усуллар билан ташхислаш, даволаш тамойиллари, профилактикасини;

-бачадон миомаси, таснифи, патогенез, клиникаси, замонавий усуллар билан ташхислаш, консерватив ва жаррохлик даволашга кўрсатмалар, оқибатини;

-тухумдонлар хавфсиз ўсмаларини таснифи, клиникаси, ташхислаш, асоратлари, даволашни,тухумдонлар оддий кисталарини ташхислаш ва даволаш тамойилларини;


-бепуштликнинг таснифи, этиопатогенезини, замонавий ташхислаш усуллари ва даволашни, аёллар бепуштлигини замонавий даволаш усулларини (овуляцияни стимуллаш, экстракорпорал уруғлантириш, сунъий инсеминацияси);

-оилани режалаштириш тамойиллари, контрацепция усулларининг таснифи.

5. Шифокор акушер-гинекологини эга бўлиши шарт амалий кўникмалар

- анамнез йиғиш, ташқи акушерлик кўрикни ўтқозиш;
- тиббий – генетик, гормонал. иммунологик текширувлар ўтқозиш;
- ҳомила ҳолатини ташхислаш, ҳомиланинг юрак фаолиятини баҳолаш;
- хомиладорлик ва туғруқнинг муддатини аниқлаш;
- хомиладорлик ва фетоплацентар тизим ҳолатини ташхислаш;
- ультратовуш сканирлаш, ҳомилани биофизик ҳолатини аниқлаш;
- кольпоцитологияни бажариш;
- қоғонок сувини текшириш (амниоскопия, амниоцентез);
- хомиладорлар қусишини даволаш ва профилактикаси олиб бориш;
- гипертензив бузилишларни ва унинг асоратларини интенсив даволаш;
- эклампсияда биринчи ёрдамни ўтқозиш, асоратлар ўтказган аёлларни реабилитация қилиш;
- бачадон бўйнини етилганлик даражасини аниқлаш (Бишоп шкаласи);
- туғруқнинг бошланишини ташхислаш, унинг клиник кечиши, туғруқни замонавий олиб бориш ва огриксизлантириш;
- боши ва чаноғи билан келганда туғруқни олиб бориш ва бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш, партограмма тўлдириш, туғруқнинг III даврини фаол олиб бориш, йўлдош бутунлигини аниқлаш;
- ҳомила чаноғи билан келганда куйидаги (Цовьянов, Ловсет, Морис-Смелли-Вейт, классик) кўникмалар бажариш;
- бачадон бўйнини кўзгуларда текшириш, туғруқ йўлларини юмшоқ туқималарини текшириш, бимануал текширув ўтқозиш;
- бачадон бўйни, қин ва оралиқ жарроҳатларини тикиш;
- постплацентар бачадон ичи воситасини (БИВ) қўйиш;
- гематома очиш амалиётини бажариш;
- чақалоқни Апгар шкаласи бўйича баҳолаш, иссиқлик занжирини сақлашни таъминлаб бериш, чақалоқ реанимациясини ўтқозиш;
- эпизиотомия, эпизиоррафия ва перинеоррафия ўтқозиш;
- туғруқдан кейинги даврни олиб бориш, туғруқдан кейинги даврда

ихтиёрий жарроҳлик стерилизацияси (ИЖС) амалиётини бажариш;
-критик ҳолатларни аниқлаш ва олиб бориш;
-беморни бирламчи тез баҳолаш ва тезкор ёрдамми ўтказиш;
-асоратлар ўтказган аёлларни реабилитация қилиш;
-йўқотилган қон миқдорини аниқлаш (физиологик ва патологик);
-йўлдош олдида келишини ва НЖЙБКни ташхислаш, олиб бориш ва бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш;
-туғруқдан кейинги қон кетишини босқичма-босқич тўхтатиш;
-йўлдошни қўл билан ажратиш ва чиқариш, бачадон бўшлиғини қўл билан текшириш операциясини бажариш, қорин аортасини босиш, бачадонни икки қўл билан компрессияни ўтказиш;
-пастки-ўрта лапаротомия, Джоэл-Кохен ва Пфанненштилл бўйича лапаротомия бажариш;
-уч нафар қон-томирларини боғлаш, Б-Линч бўйича чокларни қўйиш жарроҳлигини бажариш;
-бачадон ампутация, экстрипация жарроҳлигини бажариш;
-геморрагик шокка қарши курашиш, гемотрансфузияни бажариш, ТТИҚИ-синдром профилактикаси ва даволаш;
-она ва ҳомила кўрсатмаларига асосан ҳар хил усуллар билан туғруқни индукциялаш (қоғонок пардаларини кўчириш; амниотомия ўтказиш, окситоцин ва гландин Е қўллаш);
-туғруқда оғриқсизлантириш, туғруқдан ва жарроҳлигидан кейинги даврда оғриқсизлантириш;
-индуцирланган туғруқни олиб бориш;
-туғруқдаги ҳомила боши ва она чаноғини диспропорция ҳолатларини аниқлаш ва олиб бориш;
-кўпсувлилик ва камсувлиликда, йирик ҳомилада, киндик тизимчасининг тушишида, жинсий аъзолар патологик ўзгаришида, бачадон чандигида, муддатидан ўтган ҳомиладорликда ва бошқа асоратли омилларда туғдириш;
-акушерлик қисқичлари, вакуум-экстракция ёрдамида туғруқни тугатиш;
-ҳомилани чаноғидан экстракция қилиш;
-кесар кесиш операцияси бажариш;
-қорин бўшлиғини дренажлаш;
-ҳомилани емириш операцияси бажариш;
-акушерлик жарроҳлигида оғриқсизлантириш;
аёллар жинсий аъзолари касалликларини ва репродуктив тизим бузилиш фаолиятини клиник, лаборатор ва инструментал ташхислаш ва даволаш;
-бирламчи ва иккиламчи аменорея, бачадондан функционал ва органик қон кетишини ташхислаш ва даволаш;
-жинсий тизимнинг юқори ва пастки бўлимларининг яллиғланиш касалликларини ташхислаш, TORCH – инфекциясини даволаш;
-ҳомиладорликнинг эрта даврида қон кетиш сабабларини аниқлаш, даволаш ва кузатиладиган асоратларнинг олдини олиш;
-аёллар жинсий аъзолари фон ва раколди касалликлари, тухумдонлар



- хавфсиз ўсмаларини ташхислаш, уларни даволаш;
- лапаротомия ва лапароскопия жарроҳлигини бажариш;
- функционал ташхислаш тестларни ўтказиш;
- кўкрак безларини пальпацияси, кўзгуларда кўрик, бимануал кўрикни ўтказиш;
- бачадон ампутацияси, экстирпацияси ўтказиш;
- тухумдон резекцияси, цистэктомия, аднексэктомияни ўтказиш;
- сальпингэктомия, сальпингостомияни ўтказиш;
- бачадон бўйни, қин ва оралиқ пластик жарроҳлигини ўтказиш;
- бачадон бўшлиғини қириш ва вакуум аспирацияни бажариш;
- медикаментоз аборт ўтказиш;
- гистероскопияни, гистеросальпингографияни ўтказиш;
- Паппаниколау бўйича суртма олиш;
- кенгайтирилган кольпоскопияни ўтказиш;
- парацервикал анестезияни ўтказиш;
- бартолин беши абсцессини, гематокөльпөксни даволаш;
- орқа гөмбаз пункциясини ўтказиш;
- бачадон бўйни полипини даволаш;
- бачадон ичи воситасини (БИВ) қўйиш ва олиб ташлаш,
- ихтиётйрий жарроҳлик стерилизацияси (ИЖС) амалиётини бажариш.

6. Шифокор акушер-гинекологнинг муносабатларига қўйилган талаблар

Беморларга нисбатан муносабатда морал-этик ахлоқ қоидаларига амал қилиш:


- Шифокор деонтологияси
- Шифокор сирини сақлаш
- Ҳаёт тарзини ўзгартириш борасида бемор ва унинг оиласи учун маълумот бериш
- Сурункали беморлар динамик кузатуви
- Касалликлар хавф омилларини эрта аниқлаш ва профилактика дастурларини ишлаб чиқиш
- Касалхонагача босқичда ташхислаш

Ходимлар билан коллегиал муносабатлар ўрнатиш

- Гуруҳли ишлаш ва меҳнатни ташкил этиш
- Бошқа муассаса ходимлари билан ҳамкорлик
- Консультантларни жалб этиш

7. Узлуксиз касбий таълим ва шифокор акушер-гинекологнинг аттестацияси

Шифокор акушер-гинеколог ўз касбий билим куникма ва билимларини узлуксиз мустақил уқиш йули билан такомиллаштириб бориши лозим. Шифокор акушер-гинеколог олий тиббий укув муассасаларда, малака ошириш институтлари циклларида сертификат



ва/ёки гувоҳнома олиб уқишлари мумкин.

Шифокор акушер-гинеколог соғлиқни сақлаш бошқармалари ёки халқаро ташкилотлар томонидан туман, вилоят, республика босқичларида ташкил этилган қисқа муддатли ўқув курслари ва семинарларда қатнашиб, улар якунида сертификат, аттестат, гувоҳномалар олиб иштирок этиши лозим.

Кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида ҳар бир шифокор акушер-гинеколог ҳар йили аудит ўтказади.

Мухим шифокор ҳудуди бўйича лойиҳа тузиб, унинг натижалари даволаш кенгашида муҳокама қилинади.

Ҳар 5 йилда шифокор акушер-гинеколог ўз малакасини тасдиқлаш учун малакавий аттестацион имтиҳон топширади.

Малака тавсифномасини тузишда қуйидаги ҳужжатлар билан ишланган:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меърий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 12 августдаги 209 сонли буйруғи.
3. 510000 – Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг давлат таълим стандарти.
4. Акушерлик ва гинекология бўйича Европа Кенгаши ва коллегияси касбий стандарти.
5. 5A510101- Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги малака талаблари.

Тузувчилар:

Л.Н.Тўйчиев	ТТА ректори, т.ф.д., профессор
Ш.А.Боймурадов	Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлар бўйича проректори
Д.Д.Саиджалилова	Акушерлик ва гинекология кафедраси Программа директори
Д.Ю. Юлдашева	Акушерлик ва гинекология кафедраси Программа директори
З.А. Муминова	Акушерлик ва гинекология кафедраси магистратура модератори

